

1. Олмошнинг таърифи ва унинг эски ўзбек тилида қўлланиш хусусиятлари.
2. Олмошнинг маъно турлари, турланиши, фонетик вариантлари.

Олмош от, сифат, сон ва баъзан бошқа сўз туркумлари ўрнида қўлланиб, предмет ва унга хос бўлган белгининг мавжудлигини кўрсатади. Олмош предметликни ёки унинг белгисини доимий эмас, балки муайян ўринларда ифода қилади. Шу жihatдан олмош мустақил сўз туркуми хисбланса-да, конкрет маънога эга бўлмайди.

Эски ўзбек тилидаги олмошлар маъно хусусиятларига куйидаги гуруҳларга бўлинади: кишилик олмошлари, ўзлик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, сўрок олмошлари, биргалик олмошлари, белгилаш олмошлари, гумон олмошлари, бўлишсизлик олмошлари.

Кишилик олмошлари. Кишилик олмошлари лексик-семантик жihatдан маълум сўз категориясидир, ҳамда грамматик хусусиятларга кўра, турли аффикслар билан ифодаланган, кишилик олмошларининг баъзи фонетик вариантларини хисобга олмаганда, кўпчилик қисми хозирги ўзбек тилида фойдаланилмоқда.

Кишилик олмошларининг I шахс бирлиги: мэн.

Кўпчилик ёзма манбаларда мэн олмоши миму ё-ю нун орқали ёзилган, XVII—XIX асрларга оид баъзи ёзма обидаларда мим-у нун билан ифодаланган. Мэн олмошининг хар икки ёзув формаси таркибида олд катор ўрта кенг э товуши қўлланган:

XIX асрга оид айрим ёзма манбаларда баъзан тарихий-диалектал ходиса сифатида мэн олмошининг бэн формаси истеъмол этилган.

Ёдгорликларда мэн олмоши функциясини бошқа сўзлар ҳам бажарган. Банда ва бу банда формалари Алишер Навоий, Муқимий, Яқиний, Махмур асарларида қўлланиб, тингловчига нисбатан камтарлик маъносида фойдаланилган: Банда шафак-тэк кан йыглаб кэ... (Яқиний). Б а н д а ул вақтда Бухарада эдим (ШН). Банда байан гўр қылсам (Махмур).

Факыр ва бу факыр сўзлари Навоий, Абулғози Баходирхон, Огахий, Муқимий асарларида қўлланган: Ф а к ы р алар сары барурга муваффақ болдум (Навоий МН).

Факыр тараф тутуб йалган айтган болгай-мэн (Ш турк)

XV асрдан бошлаб мэн олмоши ўрнида факыри-хакыр, факыру-хакыр сўзлари бирикмаси ҳам қўллана бошланган, баъзан бу олмошини факыри хакыр сўзлардан олдин қўллаш Навоий ҳамда Огахий асарларида учрайди: Факыри-хакыр йад туттум ким... (Навоий МН). Б у ф а к ы р и-х а к ы р ҳам ким бу улуг ханаданны, кадимий бандасы ва бу баланд астанны, самимий сарафкўндўсидр-мэн (Огахий).

XVIII—XIX асрларга оид ёзма манбаларда факыри-хакыр кўминў, кўминў, бу кўминў, мэн кўминў бирикмалари ҳам мэн олмоши ўрнида истеъмол қилинган: Факыри-хакыр кўминў тага,ыз Мухаммад Аминхожа Муқимий (Муқимий). Кўминў ҳам £з кJзµм билўн кJрдµм (Фуркат).

II шахс бирлиги: сэн. Кишилик олмошининг сэн формаси сину ё нун билан ёзилган, сэн олмоши таркибидаги ё асосан олд катор лабланмаган ўрта кенг э унлисининг белгисини ифодалайди.

XV—XVI асрлар ёзма манбаларида сэн олмоши келишик аффикслари билан турланганда, ё харфи ёзилмайди: сэни,дэк (Лутфий); сэни,(Амирий).

Сэн олмоши сину нун ё орқали ҳамда ё белгисини тушириб ёзилса ҳам, эски ўзбек тили ёзма манбаларида сўн эмас, сэн шаклида талаффуз этилган.

III шахс бирлиги: ул, баъзан у, ан шакли кўлланган. XV—XIX аср ёзма манбаларида асосан ул варианти кўлланган. Ул олмоши таркибидаги -л ундошининг тушиб қолиши орқали баъзан у шакли вужудга келган. У кишилик олмоши «Бобурнома» ҳамда Хувайдо асарларида баъзи ўринларда учрайди: Хар ким нэ ким уны! йэригў олтурды (БН). Уны ким саклады халлак (Хувайдо).

III шахс кишилик олмоши бирлигининг ан варианти (ул>ал>ан) баъзан Фуркат асарларида учрайди: Ан хама бэганааларга ашналик шунчалар;

I шахс кўплиги: биз.

Биз олмоши XV—XIX аср ёзма манбалари учун умумий характерга эга, юмшок талаффуз этилган, кўплик, бирлик маъноларида кўлланган.

Биз олмоши кўплик маъносида: Биз ҳам киши йибўрдмк (БН). Биз икки болўк элмиз (Ш турк.). Биз иккимизгў мусулман бол тэди (Ш тар.).

Биз олмоши бирлик маъносида ҳам кўлланган: Б и з и ! билў болган бэглўрини ҳам фарахорларига йараша бэриб шафкат кылдым (БН). Бизни расваи жахан этти йад Ыйлўмўди! (Нодира).

Кўплик ифодалаш хусусиятини янада ошириш учун биз олмошига –лўр аффикси кўшилган: Мавланā Кабулий бизлўрни тилўб васийат кылды ким, бу кечў аламдын барур-мэн (Навоий МН). Гул гунчасидур гоџа бизлўргў ачылмайдур (Бобур).

II шахс кўплиги: сиз.

Сиз олмоши кўплик маънода кўлланган: Биз сизи! учун саврулдукк (ШН). Биз бу сарыдын йэткўч, сиз ичкўридин чыкыб элики!издин кэлурини таксир ккылма!лар (БН).

Сиз олмошининг кўплик маъносини кучайтириш учун –лўр аффикси кўшилган: С и з л ў р ким карындашлар турур-сиз бизи! бирлў иттифак кылы! (Ш тар). Шадман сизлўрдин-у Јлгунчў миннатдār-мэн (Фуркат).

III шахс кўплиги: алар, улар, анлар, баъзан унлар шакли кўлланилган.

Алар олмоши XV—XIX асрларда ёзилган кўпчилик ёзма манбаларда кенг кўлланган: Аларны! икисин Јлтўрмб (Навоий). Алар айдыларки, Јзбўкни бир масалы бардур (Гулханий).

Улар варианти Лутфий, Бобур, Абулгози Баходурхон асарларида учрайди: Улар мендин йашуруб (БН). Уларны! кџ!ли (Ш.тар.).

Анлар олмоши Лутфий, «Нусратнома», Абулгози Баходирхон, Гулханий, Фуркат асарларида истеъмолда бўлган: анлар ашйаны; Анлардын Јтмб хавузга шарбатлар тЈкўлмр. Анлар кЈп йилларгача бу айтылган нимўрсўлўрни бэрмрлўр (Ш.тар.).

III шахс кўплиги тарихий тараккиётида куйидагилар кўзга ташланади: XIII-XIV асрларда улар, анлар варианти кенг кўлланган бўлса, XV асрдан бошлаб алар варианти фаоллашади. XIX аср охирларида яна улар, анлар варианти фаоллаша бошлайди ҳамда кейинчалик улар варианти III шахс кўплигида ягона бўлиб қолади.

Кишилик олмошларининг турланишида эски ўзбек тилида ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади:

Кишилик олмошларининг турланиши:

Келишиклар Турланиши

Бош келишик Мен, сен, ул, биз, сиз, улар, анлар, алар

Краткич келишиги Мени!, сени!, аны!, бизни! //бизи!, сизни! //сизи!, уларны! //улары!, анларны! //анлары!, анларны!, бизим, сизим

Тушум келишиги Мени, сени, аны, бизни, сизни, уларны, анларны, аларны

Жўналиш келишиги Ма|а (ма|ар), са|а (са|ар), а|а, бизгЎ, сизгЎ, уларга(ка), анларга(ка), аларга (манка, санка), бизЎ, сизЎ
 Ўрин-пайт келишиги МендЎ, сендЎ, анда, биздЎ, сиздЎ, уларда, анларда, аларда
 Чикиш келишиги Мендин, сендин, андын, биздин, улардын, анлардын, алардын.

XIII-XIV асрларда, XIX асрдан кейинги ёдгорликларда ҳам чикиш келишигининг –дЎн/-дан, баъзан –д̄н/-дун варианты кўлланган.

Ўзлик олмоши. Эски ўзбек тилида Ёз олмоши фаол кўлланган. «з олмоши дастлаб от туркумига оид сўз бўлган ва ўзлик, вужуд, жон, рух каби маъноларни билдирган. Эски ўзбек тилида ҳам Ёз олмошининг бу маънолари айрим ўринларда сакланиб қолган: «з̄мдин хайат барай (Навоий). Ей санам, Ёзни (вужуд) бизгЎ наъшна тākЎй (Увайсий).»з сўзи эски ўзбек тилида олмошга ўтиш жараёни тугалланган, шахсга тааллуқлилигини, хослигини, унинг таркибий қисми эканлигини маъноларини англатган: «зини| шЎкли бирлЎ (Навоий, ХА). Мени Ёз хузурыга талаб қылды (Ф.). «з қылычынбойнума йетк̄рсЎ (Навоий, ЛТ).

«з олмоши такрор кўлланиши мумкин. Бунда иш-харакат субъектига қайтганликни, яъни иш-харакат субъектнинг ўзи учун тегишли эканлиги маъноси англашилади: Толганмагы Јз ЁзинЎ гирдāб (Навоий), Қылуր ЈзигЎ Јзи иштибāх (Мук.).

«з олмоши эгалик ва келишик аффиксларини қабул қилади. Бунда дастлаб эгалик аффикси, сўнг келишик аффикси кўлланади: «з̄мни| икки йахшы кишимни чакырдым (Ш. тар.). «зидЎ хушы бар āдам ешитс̄н (Фуркат).

Тушум, ўрин-пайт ва чикиш келишиги аффикслари Ёз олмошига тўғридан-тўғри қушилган: «здЎ йокәрдим (Навоий). «зни нечЎ к̄н нākām тут (Нодира). «здин тавба айса (Навоий). Бундай кўлланишда унинг олмошлик функцияси кўпроқ намоён бўлади.

Қадимги туркий ёзма манбаларда ва эски ўзбек тилининг дастлабки даврларида кент̄(кент̄) олмоши кўлланган ҳамда бу олмош Ёз олмошига эквивалент бўлган: КерЎк болсам а|а мен, кендя келс̄н (Хисрав ва Ширин).

Кенд̄ олмоши Ёз олмоши билан ҳам кўлланади: «зи кенд̄ йекрЎк (ёмонрок) бил̄р ерди (Тафсир).

Кенд̄ олмоши эски ўзбек тилидаёқ истеъмождан чиққан ва бу олмош кЎнди (кенди) шаклида хозирги турк тилида сакланиб қолган.

Эски ўзбек тилида Ёз олмоши билан бирга, форс тилидан ўзлашган худ олмоши ҳам истеъмолда бўлган: Те|ри таālā худ кЎрЎм билЎ гунāхы|ыздын Ётти (Навоий). Мирзāхāн худ шāхбегимни| туккан набираси (Бобур).

Кўрсатиш олмошлари. Эски ўзбек тили ёзма манбаларида бу, бул, ул, ошал, ошул, шул, ушбу, хамул, баъзан у, уш, шу, шубу, хамун, хамин каби кўрсатиш олмошлари тузилиши жихатидан содда ҳамда мураккаб формалардан ташкил топган. Содда кўрсатиш олмошлари: бу, ул(у), уш формаларидан иборат. бул, шул, (шу), ушбу, шубу, ошал, ошул, ошу, хамул сўзлари кўрсатиш олмошларининг мураккаб формаларини ташкил қилади. Хамун, хамин, хамийн кўрсатиш олмошлари форс тилларидан ўзлашган. Кўрсатилган даврларга оид ёзма манбаларда ҳар қайси кўрсатиш олмошининг истеъмол доираси, лексик-семантик ҳамда грамматик хусусиятлари турлича бўлган.

Бу кўрсатиш олмоши кенг кўламда кўлланган, нутқ пайтида мавжуд бўлган яқин масофадаги киши, нарса, ходисаларни кўрсатади: бу бəнава (Лутфий), б у расадны (БН).

Олмошлар уч хил семантик вазифа бажарган:

1. Дейктик вазифа, яъни соф кўрсатиш маъносини англандан: Бу байтны окубдур (Навоий, МН).
 2. Анафорик вазифа, яъни олдин тилга олинган шахс, предметни кўрсатади: Бу хам йахшы барды (Бобурнома).
 3. Препратив вазифа, яъни кейин тилга олинган предмет ва шахсларни кўрсатади: Мени танаймайдур, сўр-п-т-рким, булар кайсы султандур (Бобурнома).
- Бу кўрсатиш олмоши келишиклар билан турланганда ва кўплик аффиксини олганда, унинг тузилишида турли фонетик ўзгаришлар юз беради. Бош келишикдан бошка келишиклар билан турланганда, сўз бошидаги б ундоши м га ўтади: буны-муны, буну|-муну| ва х.к. Шунингдек, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларида негиз ва келишик хамда кўплик аффикси ўртасида интеркаляр «н» ундоши орттирилиши мумкин. Келишиклар билан турланганда «н» ундошининг орттирилиши доимий (статик) бўлса, кўплик шаклида у доимий эмас. Мисоллар: Булар дагы Сайидгў кирмиш (Шайб.). Огланларны| атлары мунлар турур (Ш.тар.). Мундын артуқ кылма зār (Лутфий). Сўз бошида «б»нинг «м»га ўтиши хам доимий эмас: Барча халк буны эшитиб...(Ш.тар.). Бу олмоши XVIII-XIX асрларда бул вариантыда хам кўлланган. Унинг тафсилоти куйида берилди.
- Ул олмоши сўзловчига масофа жихатдан узокрок бўлган предмет ва унинг белгисини кўрсатиш учун кўлланган ва бу жихатдан бу олмоши билан зидланишни (оппозицияни) хосил қилган: Гамза бирлў тўкти каным ул санам (Лутфий).
- Ул олмошининг у варианты хам истеъмолда бўлган: Махшарда гāлыбāким, у кн кўрмўгўй азāб (Лутфий).
- Илмий адабиётларда ул (у) олмошининг āн варианты хақида фикр юритилади, аслида āн олмоши форс тилидан ўзлашган бўлиб, фонетик жихатдан ул олмошига алоқаси йўқ. Ул олмошининг келишиклар билан турланиш хусусиятлари ул кишилиқ олмоши билан айнандир.
- Уш сўзи хақида. Илмий адабиётларда бу сўз олмошлар таркибига киритилади, лекин унинг матндаги кўлланиш хусусиятлари бошка олмошларга куйиладиган морфологик талабларга жавоб бермайди, яъни у келишик ва кўплик аффиксларини қабул қилмайди, лекин кўрсатиш олмоши семантикасига мос кела олади, демак, у грамматиканинг асосий талаби, яъни категориал белгиларни қабул қилмас экан, уни олмошлар таркибидаги масалада мунозара мавжуд.
- Уш сўзи хозирги ўзбек тилидаги мана [1] сўзига эквивалентдир. Маълум бўладики, мана сўзи олмош деб эътироф этилмаётган экан, уш сўзини хам олмош деб қараш мумкин эмас, лекин бу сўз XIII-XIV аср ёдгорликларда фаол кўлланган: Кадах еврлди уш бостāн ичиндў (МН). Зулфу| дагы ул кāфур уш имāн аладур-ла (Лутфий). Лекин бу сўз ушбу, ошул, ошал, шул олмошларининг хосил бўлишида қатнашган.
- Ушбу (уш+бу) олмоши нутқ моментидеги предмет ва белгини кўрсатади: Ушбу дам эрр жāнны| футухи (МН). Лекин бу сўз ўзгаришлар юз берган, ортторма -н пайдо бўлган, б товуш -м сонорига ўтган: Лутфий — мунда; Якиний — муну|-дэк.
- Ошул (уш//ош+ул) кўрсатиш олмоши XV—XIX асрлар ёзма манбаларида истеъмолда бўлган, тингловчига олдиндан маълум шахс, нарса ходисаларни кўрсатади: Фарйāдым ошул йергў йэтибтур (Лутфий). Ошул йердў йаттук (Ш. тар.).
- Ошал (уш//ош+ул//ал) олмоши ошул олмошининг вариантыдир: Ошал кнким мени йаздāн(оллох) йаратты (МН). Ошал сувларны| араларында олтурурлар эрди (Ш.тар.). Оша, ошу олмошлари ушбу, ошул, ошал олмошларининг қисқарган шаклидир: Ошу сўз

бирлЎ (ШН). Оша ̄ст̄ндЎ то! бирлЎ муз бар турур (ЎН).

Шул (уш/ош/ш+ул) олмоши бу, у, ошул, ошал олмошларининг фонетик ўзгарган ва кискарган шаклидир: Шул ер̄ айбым Мукимий, мардуми Фаргана-мен (Мук.). Шул заманким алур УргЎнчни ол/ салур, албатта, Хурасан сары йол (ШН).

Шул олмоши бу олмошининг бул шаклида шаклланишига ҳам сабаб бўлаг, чунки шул-бул аналогияси ва оппозицияси учун у кулайлик тугдирган. Аксинча, бу олмоши шул олмошига оппозицияда туриб, унинг таъсирида шу вариантыни юзага келтирган. ўнЎ, мЎнЎ, муна сўзлари ҳам семантик жихатдан олмош функциясига якин туради, лекин улар аслида кўрсатув ундовларидир. ўнэ кадду, ЎнЎ хусну, ЎнЎ хулк (Фуркат). Муна сЎзини! жавабы теди (Ш.турк.).

Эски ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган ва улардан ярим калька килинган олмошлар ҳам кўлланган. Улар куйидагилар:

Хамин олмоши. У ҳам (таъкид юкламаси)+ин (бу) таркибидан иборат бўлган ва ушбу олмоши маъносига эквивалент бўлган: Бале, йалгуз хамин аламда сен-сен (Лутф.). Мени! хақимда кылур-сен хамин жафā хавасин (Атоий).

Хаман олмоши ҳам хам+ан(у) сўзларидан таркиб топган ва эски ўзбек тилида хамин олмоши каби ушбу олмошига эквивалент бўлган, айна замонда, унинг хамун варианты ҳам кўлланган: Таг хаман аллыда хамун-хамун (Навоий). Лекин кейинчалик хамун варианты истеъмолдан чиқиб кетди, хаман сўзи эса семантик ўзгаришга учраб, равиш сўз туркумига ўтган.

Форс тилидан ўзлашган юкоридаги олмошлар эски ўзбек тилида ярим калькаланиб, хамул вариантида (хам+ул) ҳам кўлланган: Койар ерди хамул вадий сары й̄з// Кылыб катъ аллыда таг олса, гар т̄з (Нав.Хамса).

Бу олмошлар ҳам кейинчалик истеъмолдан чиқиб кетди.

Сўрок олмошлари. Эски ўзбек тилида ким, не, кай сўрок олмошлари мустакил кўлланган, бошка сўрок олмошлари не ва кай олмошларига тарихан юклама, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи кўшимчалар кўшилган шаклларда кўлланган, лекин бундай сўз ва кўшимчалар ўзининг морфематик маъноларини йўкотган ҳамда сўрок олмошларининг турли модал шакллари хосил қилган холос, аслида олмош яшаш учун хизмат қилган эмас.

Ким сўрок олмоши кишиларга нисбатан кўлланган: Улрш алган ким ва ул улушни тограган ким (Ш тар.).

Ким сўрок олмоши отлар каби кўплик аффиксининг –лЎр вариантыни қабул қилган: Арз кылалы кимлЎр вакеъдур (Навоий МК). КимлЎр билЎн базм ЎйлЎб (Мукимий).

Не олмоши эски ўзбек тилида кенг кўлланган ва унинг семантик кирралари ҳам кўп бўлган:

белгининг микдорини аниқлаш маъносида кўлланган: Не имканим қарар олгай кЎлмЎ (Навоий). Ул шāх башыда не балā фитна бар ерди (Лутфий).

соф белгини билдиради: Хāн деди: бу не хикāят болгай// Не хикāят, не ривāят болгай? (ШН).

риторик сўрок гапларда сўз маъносини кучайтиради: Бу не кЎзд̄р, бу не кирп̄к, бу не каш// Ки чыкты дин ва имандын халāйык (Атоий).

сабаб-сўрок маъносини билдиради: КЎз̄! не балā карā болубтур (Навоий). БилмЎн не жарима билЎ Хирийдин ихрāж кылды (Бобур).

Не олмоши тўликсиз феъллар бирга кўллана олган ва феъл таркибига ўтган: Й̄з салām айдым не болгай (Нодира). Бизи! сары кэлмэс-сЎн нэ болды (Навоий).

Не олмоши кўплик аффиксини, тушум, чиқиш келишиги аффиксларини олган ва уларда

келишик аффикслари функционал бўлган, жўналиш келишиги аффикси эса олмош таркибида кристаллашиб колган. Караткич ва ўрин-пайт келишигида кўлланиши масаласи очик қолади.

Не олмоши негизида шаклланган сўрок олмошлари:

Немў. Бу сўз таркибидаги мў сўзи қадимги туркий тилга оид юкламодир (лекин уни Э.Фозилов боғловчи деб қарайди. Қаранг: Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т., 1965, 146-бет). Эски ўзбек тилида бу сўз нарса сўзи маъносида кўлланган, яъни хали олмош туркумига тўла ўтмаган: Дагдага болдыким, бир нимў бағлагай-мен (Бобур). Бу сўз нима вариантыда XIX асрнинг 2-ярмидан сўрок олмоши сифатида мустақил кўлланган.

Неч̄н//невч̄н. °ч̄н кўмакчиси иштирокида шаклланган ва сабаб маъноли сўрок олмошидир: Мирзā сорубтурки, неч̄н £лт̄рд̄! (Навоий). Сен неч̄н £з̄!ни бу рийāзат ва ранжга салды! (Навоий).

Неч̄к. Бу олмош қадимги туркий тилда бир неча тараккиёт даврларини бошидан кечирган: не+ч̄ў-не+ч̄ў+к̄ў-не+ч̄ў+к-неч̄к. Иккинчи тахмин (версия): не+чаг//не+чак//не+ч̄ўк-неч̄к.

Неч̄к олмоши ҳам сабаб маъносини ифодалайди: Неч̄к болгай азмы-миз (Навоий). Бу олмошнинг баъзан н̄ч̄к фонетик варианты ҳам кўлланган: Мен н̄ч̄к мажнун кўби расвāи āлам болмайын (Увайсий).

Нел̄к. –лик аффиксининг –л̄к варианты орқали шаклланган ва у ҳам сабаб маънолидир: Нел̄к башымга тупрак коймагайым (Хиср. ва Шир.).

Нет̄ўк. –дек аффиксининг –т̄ўк варианты орқали шаклланган ва бу олмошбелги маънолидир: Канлары йерг̄ў нет̄ўк т£к̄лм̄ш (ШН).

Неч̄ў. Бу олмош не+чаг сўзларидан соддалашган. Микдорни сўраш учун кўлланади: Неч̄ў йыл ранжу меҳнат сендин артук (Навоий). Бу олмош III шахс эгалик аффиксини ва барча келишик аффиксларини қабул қилган.

Нег̄ў. Жўналиш келишиги аффикси орқали шаклланган ва сабаб маъносига эга: Бир киши жāны ч̄н й̄з мы! жāн нег̄ў āзурда қилур (ШН).

Бу олмошнинг ней̄ў, н̄ўг̄, нагу вариантлари ҳам кўлланган: емди биз ке!ўш қылалым, н̄ўг̄ савāб кел̄р, к£р̄ўлим (Таф.). Нагу барур-сен (Лутфий).

Неч̄ў олмошининг н̄ўт̄ў варианты ҳам кўлланган: Нет̄ў махрам айлады! (Муқимий).

Ка(й) олмоши (қадимги туркий тилда кан) мустақил кўлланган ва белги маъносига эга бўлган: Кай бириким бар эрди (Навоий).

Ка(й) олмоши негизида қуйидаги сўрок олмошларининг модал маънолари ҳосил қилинади:

Кайу. Бу олмош таркибидаги –у форманти –и/-ы эгалик аффиксининг вариантыдир: Кайу хушдил, кайу маҳзун болды// Кайу Лайлā, кайу Мажнун болды (ШН).

Кайсы. –сы форманти III шахс эгалик аффиксидир: Кайсы нāмурад ели! сабр ет̄ўгиг̄ў урдқим мурād тапмай (Навоий). Бу олмош кўплик, эгалик аффиксларини қабул қилган.

Кайу, кайсы олмошлари белгини ажратиб, таъқидлаб сўраш маъносини англатади.

Кайда (қанда), кайдын, кайан, қаны. Бу олмошлар ўрин билан боғлиқ бўлган сўрокни билдирган. Кайда, кайдын таркибидаги келишик аффикслари негизда кристаллашган.

Кайан сўзидаги йан ўрин оти, қаны сўзидаги –ы эса эгалик аффиксидир: Дес̄ў!ким, кайда-сен, оё Атāий (Атоий). Мен дедимким, сизл̄ўр кайдын кел̄ў-сиз (Бобурнома). Йана даругадын кайан қачыб барғаным киши билм̄ўс (Бобурнома).

Канча. Бу олмош кай(н)+ча(чаг,ча) қисмлардан иборат бўлиб, дастлаб пайт маъносини,

кейинчалик микдор маъносига кўчган: Канча сўксўн шунча йылкым...(Мукимий). Бу сўрок олмоши ўрнида чанд, чандан сўзлари хам кўлланган.

Качан. Бу сўрок олмоши кай+чаг+ын (кай вақт билан) сўзидан содалашган ва пайт маъносига эга: Качан болгайки тапкай-мен хабар йār-у дийārымдын (Фуркат). Канча, качан олмошлари баъзан келишиклар билан турланган.

Белгилаш олмошлари. Аксарият адабиётларда бундай олмошлар биргаолик, биргалик-белгилаш олмошлари деб юритилган.

Эски ўзбек тилида икки гуруҳ белгилаш олмошлари кўлланган:

1. Яккаликни кўрсатувчи белгилаш олмошлари.

2. Тўдани, гуруҳни кўрсатувчи белгилаш олмошлари.

Яккаликни ажратиб кўрсатувчи белгилаш олмошларига хар ва унинг иштирокида хосил килинган олмошлар хамда эски ўзбек тилининг дастлабки даврида фаол кўлланган, лекин XV асрдан кейин пассив катламга ўтиб кетган текмў олмоши тааллуқлидир.

Тўдани, жамликни билдирувчи белгилаш олмошларига архаик камук// камуг, туркий катламга хос бўлган барча, бары, барлык, форс ва араб тилларига хос бўлган баъзы, хама (хамма), тамām, жумла, жамъ, мажмуъ олмошлари тааллуқлидир.

Хар олмоши форс тилидан ўзлашган ва эски туркий тилда XI-XII асрлардан бошлаб кўллана бошлаган хамда эски ўзбек тилида унинг кенг кўлланиши бошланган: Хар йил аны хазāна кылгайлар (Навоий). Сўрок олмошлари билан бирга келиб мураккаб белгилаш олмошларини хосил қилган: хар ким, хар кайан, хар нимў, хар кайсы, хар нечў, хар нечк, хар качан, хар кайда, хар не.

Хар не эски ўзбек тилида олмошлик хусусиятини саклаб қолган: Мени| хар не хāлымны билмиш еди| (Мунис). Хар не десўм қабул қылгайму-сен (Навоий).

Хар не олмоши хозирги ўзбек тилида семантик ўзгаришга учраган ва модал сўзлар туркумига ўтган.

Текмў асл туркий белгилаш олмошидир. Бу олмош хам XIV аср бошларига қадар мустақил кўллана олган: Чыккай хазār халка кўл текмў сачтын (Лутфий). Бу олмош келишик кўшимчаларини хам олган: Сучулмыш текмўлўргў тан либāсын (Хиср. ва Ш.). Текмў олмоши хозирги турк тилида ҳамон кўлланмоқда.

Тўдани билдирувчи олмошлар.

Барча (бар+ча) биргалик олмоши киши, нарса ва ходисаларнинг мавжуд йигиндиси маъносини англатган: Барча тапылур бизгў валэ йār тапылмас (Лутфий). Тўгўнди барча сўз (Навоий ФШ). Барча бир йолы урушка кирди (ШН).

Бари (бар+ы) олмоши барча, хамма сўзлари каби биргалик маъно англатган: Б а р ы аламга тāж (Навоий ХА). Бары пари мисāлы (ШН) .

Камук// камуг олмоши эски ўзбек тилининг XV асрларга оид ёзма манбаларида истеъмолда бўлган. Шунингдек, XVII — XIX асрларда битилгал айрим ёзма манбаларда учрайди ва барча олмоши каби маъно англатади: Ка м у к элгў бэриб (Лутфий). Бизгў болды камуг эли| орны (Ш тар.).

Хама (хамма) биргалик олмоши XV асрдан кейин ёзилган ёзма манбаларда кўлланган: Хама атвāры хикматга мувāфык (ШН). Х а м а айтур Хувайда нэчмн йыглар-сэн (Хувайдо). Хама олмоши айрим адабиётларда камук олмошининг фонетик ўзгариши деб изоҳланади. Бу фикр янглиш бўлиб, аслида араб тилидаги хум (улар) ва форс тилидаги хама (барча) олмошларининг ўзбек тилига ўзлашиши деб қараш ўринли бўлади.

Жумла биргалик олмоши араб тилидан ўзлашган барча, хамма олмошларига эквивалентдир: Ж у м л а āламга иши қахр олуб (Навоий ХА). Ж у м л а жахāн ахлыга

рāхат йетцрѳб (Нодира).

Баъзы олмоши араб тилидан ўзлашган, гурух, тўда маъносини ифодалайди, келишик, эгалик, кўплик аффиксларини ҳам кабул қилган: Баъзыдын гахи бирўр йахши байт вакъъ болур (Навоий МК). Б а ъ з ы н ы му|ў кэлтцрѳндцр (Навоий МН). Баъзыларга орун бәрди (Ш тар.).

Тамām (тамāmий, тамāmат) олмоши араб тилидан ўзлашган барча, ҳамма олмошлари маъносида кўлланган: Стунлары т а м ā м и й таштын (БН). Тамām могул ва татар элини лўшкўрини жамъ қылыб (Ш тар.).

Жамъ, жамъи олмоши араб тилидан ўзлашган: Хиндустанни| жамъи рудларыны| бу хāсийаты бар (Бобурнома). Жамъ вилāйатларны мусаххар қылыб...(Ш.турк).

Мажмуъ олмоши ҳам араб тилидан ўзлашган: Мажмуъин аны| кашыга койды (Хамса).

Кылды йагмā кѳэлўри| мажмуъи Туркистанни (Саккокий).

Гумон олмошлари. Эски ўзбек тилига оид ёзма манбаларда кимсў(>ким+эрсўр), нэмўрсў(>нэ+мў+эр-сў), нээрсў (>нэ+эрсў), бирўв(>бирўгм), фалāн гумон олмошлари кўлланган, баъзан айрим ўринларда бирўгм (бир+ўгм), бирўвлўн (бир+ўв+лўн) формалари ҳам учрайди. Улар киши, нарса ва ходисаларнинг тахминлаш, тусмол қилиш каби маъноларини билдирган.

Кимсў, кимўрсў, нэмўрсў ва нээрсў, фалан, бирўв,бирўгм гумон олмошлари тусмол қилинган кишиларга нисбатан кўлланган. Нэмўрсў ва нээрсў олмошлари предмет ва ходисаларга нисбатан ишлатилган.

Кимсў гумон олмоши эски ўзбек тилининг барча даврларида кенг кўлланган: Кимсў тазаллум этмўгўй (Лутфий). Кимсў ким ўйлўмўс ашукмагны хайāl (Навоий МК).

Кимўрсў гумон олмоши эски ўзбек тилининг илк даврларида кўлланган, кейинги даврларда кам кўлланган:Кимўрсў ким сэ|ў эгри к|л тутар бу кадар(Саккокий).

Нэмўрсў гумон олмоши нимў сўрок олмошига эрсў сўзининг кўшилиши билан хосил бўлган: Уч-т|рт нэмўр с ў асылыб эрди (БН). К|п нэмўрсў бэргўн турур (Ш турк).

Бирўв гумон олмоши кимса олмоши маъносида кўлланган: Б и р ў в к|з бирлў болгай катлы| (Навоий ЛТ). Бирўв ишк ичрў кылды кумры (Огахий).

Фалāн гумон олмоши араб тилидан ўзлашган: Фалāн кишигў, йаъны фақыр кашыга элтиб (Навоий МН). Фалāн вақтда фалāн мўлики|из мундаг хийанат қылды (Ш тар.).

Бўлишсизлик олмошлари. Эски ўзбек тилида ҳам бўлишсизлик олмошини форс тилидан ўзлашган хэч сўзи ифода қилган. Хэч бўлишсизлик олмоши киши, нарса, ходисаларга нисбатан кўлланган.

Бўлишсизлик олмошининг мураккаб формаси эса бошка олмош турлари билан ёнма-ён келиши орқали хосил қилинган: хэч ким, хэч кимсў, хэч кимўрсў шахсга нисбатан; хэч нэ, хэч нэмў, хэч нэмўрсў, хэч қайда олмошлари нарса ва ходисаларга нисбатан кўлланган. хэч қайсы, хэч қайусы киши ва нарсалар учун аралаш истифода қилинган.

Хэч олмоши мутлак инкор маъносини ифодалаган: Калмаса хэч нāму нишāным (Лутфий). Ки биз к|рдцк, амма билмўдцк хэч (Навоий ФШ). Х э ч парвāйи қылмадылар (БН).

Хэч ким бўлишсизлик олмоши: ёсрцк|ўр ичрў к|зц|ў х э ч ким хариф йок (Лутфий). Хэч ким |з к|лгў гам тилўмўс (Навоий МК).Х э ч ким билмўс аларны| ишини (ШН). Х э ч ким эшиткўн ва к|ргўн йок турур (Ш.тар.).

Хэч кимсў (хэч кимўрсў) олмоши ҳам хэч ким олмошига эквивалент бўлган: Тцшмўсцн гул мавсумы хэч кимсў жанандын (Лутфий). Қылмас аны| тўкўлл-мини хэч кимсў рад (Нодира).

Хэч кимўрсў бўлишсизлик олмоши сийрак кўлланган, маъно жихатидан хэч ким, хэч

кимсЎ олмошларига ўхшайди: Хэч кимЎрсЎ кэлмЎгЎй (Лутфий). Хэч кимЎрсЎ кол йапмасунлар (Ш тар.).

Хэч нэмЎ (хэч+нэ+мЎ) бўлишсизлик олмоши: Мэни тэгЎн кишигЎ хэч н э м Ў йок (Амирий). А!а хэч нэмЎ мархам йэрин тутмас (Навоий МК).

Хэч нэмЎрсЎ олмоши кам учрайди: Х э ч нэмЎрсЎ а!а мажхул эрди (Навоий МН). Хэч нэмЎрсЎ окуган эмЎс (БН)).

Хэч кайсы бўлишсизлик олмоши бўлишсиз атрибутив холат маъносини англаган: Х э ч к а й с ы матлаъны айта алмадылар (Навоий МН). Хэч к а й с ы турк тили билЎ тЎкЎллм кыла алмаслар (Навоий МЛ).

Топшириклар:

1. Эски ўзбек тилида фаол кўлланиб, хозирги ўзбек тилида истеъмолдан тушиб колган кишилик олмошларини сананг.
2. Эски ўзбек тилидаги гумон олмошларининг маъно турларини санаб кўрсатинг.
3. Олмошнинг хар бир маъно турига манбалардан мисол тўпланг.

Таянч тушунчалар:

Олмош – от, сифат, сон ва бошка сўзларнинг мавжудлигини бевосита ифодаламай, улрнинг мавжудлигини кўрсатувчи мустакил сўз туркуми.

Кишилик олмошлари – шахсларни кўрсатади.

Кўрсати олмоши – предмет, белги, микдор, вақт ва маконга нисбатан ишора килади.

Ўзлик олмоши – предмет, белги ва микдорни таъкидлаб кўрсатади, тегишлилигини ифодалайди.

Сўрок олмоши – сўраш маъносини ифодалайди.

Белгилаш олмоши – тўданинг кисмини ёки тўдани, жамликни билдиради.

Гумон олмоши – ноаник шахс, белги, микдорни билдиради.

Бўлишсизлик олмоши – шахс, белги ва микдорни инкор этади.

Олмошнинг маъно турлари – олмош ифодалайдиган модал маънолар.